

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2012 йил, 31 август • № 35-36 (900-901)

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ХАЛҚИМИЗ БУЮК БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қўлланма ислохотлар, улкан миқёсдаги бунёдкорлик ишлари, янгидан-янги sanoat корхоналари, маданият ва спорт иншоотлари, тиббиёт

қаратилаётган эътибор ўзининг юксак самараларини бераётир. Кардиожарроҳлик мажмуаси мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури доирасида амалга

Бионинг иккинчи қаватида уч ёшгача бўлган болаларнинг туғма юрак нуқсонларини даволаш бўлими, интервенцион кардиология ва юрак уриш ритми бузилиши бўлими ҳамда ангиографик жарроҳлик хоналари мавжуд.

Учинчи қаватда кардиожарроҳлик бўлимининг палата, гемодиализ ва трансплантация бўлимлари, клиник-диагностика лабораторияси ва диагностика хоналари жойлашган. Тўртинчи қават эса реанимация бўлими ва иккита кардиожарроҳлик хоналарига эга.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишар экан, жарроҳлик амалиёти жараёнида фойдаланиладиган замонавий тиббиёт техникаси ва технологияларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

– Жарроҳликда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни ўрнатишда уларнинг имконияти ва замонавийлигини инобатга олиш керак, – деди Президентимиз. – Бу жараёнларнинг замирида инсон-

Бундай марказларнинг ташкил этилиши, мавжудларининг қайта реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар, техника ва технологиялар билан жиҳозланиши халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат қўламини янада кенгайтириш, диагностика ва даволаш борасидаги юксак технологияларни ўзлаштириш

ривожлантиришга эришилди. Операциялар юрак очилган ҳолда ҳам, у ишлаб турган пайтда сунъий қон айлантириш аппарати уланмасдан ҳам амалга оширилмоқда. Марказ минтақамизда жигар циррози ва унинг асоратларини жарроҳлик йўли билан даволайдиган ягона клиникадир.



ва таълим муассасалари, савдо марказлари, тураржойлар, йўллар барпо этиш изчил давом этмоқда. Бундай иншоотларни энг улуғ ва энг азиз айём – Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш аниқанага айланган. Ана шу хайрли аниқанага мувофиқ, истиқлолимизнинг 21 йиллик байрами олтидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, пойтахтимизда кўплаб янги иншоотлар қуриб битказилди.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов 29 август куни Тошкент шаҳридаги ана шундай иншоотларнинг айримлари билан танишди.

Президентимиз академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг Кардиожарроҳлик мажмуасига ташриф буюрди.

Юртбошимиз раҳнамолигида тиббиёт тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида аҳолига кардиология йўналишида кўрсатилаётган хизматлар қўламини янада кенгайтириш, профилактика ва диагностика ишлари самардорлигини ошириш ва тиббий маданиятни юксалтиришга

оширилаётган изчил ислохотларнинг ёрқин намунасидир.

Аҳоли саломамлигини муҳофаза қилишни такомиллаштириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг энг илғор услубларига асосланган юқори малакали тиббий ёрдам тизимини яратиш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган

сиёсатнинг устувор вазифаларидандир. Тўрт қаватли мазкур марказ кардиология жарроҳлиги йўналишида фойдаланиладиган барча замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган. Мажмуанинг биринчи қаватида кунига икки юз беморни кўриқдан ўтказишга мўлжалланган поликлиника, қон қуйиш станцияси, стационар шароитда даволанадиган беморларни қабул қилиш хонаси, конференция зали ва бошқа хизмат хоналари жойлашган.



нинг соғлиғи, ҳаёти мужассам эканлигини асло унутмаслигимиз лозим. Жарроҳлик соҳасини янада тараққий эттириш учун ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида қўлга киритилаётган улкан ютуқларни дунё ҳамжамиятига кенг намойиш этиш, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарур.

Ўзида яратилган ишланмалар асосида мураккаб операциялар амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, бу инсон ҳаёти учун муҳим органларни қайта тиклаш жарроҳлигига тааллуқлидир. Бу борада ўткир миокард инфаркти, буйрак томирларининг шикастланиши, қорин бўшлиғи, қўлоёқ томир тизими касалликлари бўйича мураккаб операцияларни амалга ошириш услуби пухта ўзлаштирилди, микрожарроҳлик ва кардиожарроҳлик хизматини

Ушбу марказнинг фаолияти Президентимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар нечоғли юксак самара бераётганидан ёрқин далолатдир. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари “Бунёдкор” футбол мажмуасидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактаби фаолияти билан танишди.

Футболни ривожлантириш, ўзбек футболининг ёрқин келажagini таъминловчи истеъдодли спортчиларни тарбиялаш мақсадида “Бунёдкор” футбол мажмуасида болалар ва ўсмирлар футбол мактаби барпо этилди. Ушбу мактаб келажакда халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир, иқтидорли ва истиқболли

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚИМИЗ БУЮК БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

футболчиларни тарбиялаш учун мўлжалланган. Бу ерда ўқувчиларнинг пухта билим олиши, ўз иқтидор ва маҳоратини ошириши учун барча шароитлар яратилган.

Мазкур мактаб ўқувчилари бошланғич, тайёрлов, такомиллашув каби уч босқичда тахсил олади. Болаларга тажрибали, профессионал мураббийлар таълим беради.

Мактаб мажмуаси ўқув-маъмурий корпус, ётоқхона, спорт зали, сув ҳавзаси, ошхона биноларини ўз ичига олган. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дам олиш хоналари, мажлислар зали мавжуд.

Синф хоналари ўқув дастурлари, локал тизим ва интернетга эга компьютерлар билан жиҳозланган. Ҳар бири 2 ўқувчига мўлжалланган ётоқхоналарда барча шарт-шароит мавжуд.

Мактабдаги сузиш ҳавзасини сувга тўлдириш, иситиш, филтрлаш, тўкиш тизимлари тўлиқ автоматлашган, замонавий юқори технологик ускуналар билан таъминланган. Бу ерда тиббий бўлим ҳам мавжуд.

Президентимиз бу ерда таҳсил оладиган болалар ва ўсмирларнинг нафақат футбол бўйича маҳоратини оширишга, балки бошқа фанлар юзасидан ҳам билим ва кўникмаларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайд этди. Бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорликда ушбу мактаб учун махсус дастур тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланган ушбу таълим даргоҳида яратилган кенг имкониятлар, машғулотларнинг юқори савияда, энг илғор усуллар асосида олиб борилиши ёш футболчиларнинг ўз кучи ва салоҳиятига бўлган ишончини ошириши, шубҳасиз.

Президентимиз Ислон Каримов янги қурилган "Бунёдкор" стадионини бориб кўрди.

Мамлакатимизда спортнинг барча турлари қатори футболни ривожлантириш, юксак маҳорат ва профессионал кўникмаларга эга ёш футболчиларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майда қабул қилинган "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилган. Бугун ушбу жамғарма томонидан болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканлари, хусусан, сунъий қопламали майдонларни барпо этиш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади.

Президентимизнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган 2011-2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кўшимча чора-тадбирларга оид қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, юртимизда янги стадионлар барпо этилмоқда, мавжудлари реконструкция қилинмоқда, болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда.

Энг замонавий талаблар асосида қурилган "Бунёдкор" стадиони диёримиз бўйлаб изчил давом этаётган бунёдкорлик ишларининг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

34 минг ўринли стадион трибуналарида томошабинлар учун мўлжалланган ўринлар пастки ва юқориги қаватларга бўлинган. Шунингдек, бу ерда ногиронлар учун мўлжалланган алоҳида сектор мавжуд.

Давлатимиз раҳбари стадионда хавфсизликни таъминлаш, томошабинлар маданияти масалалари хусусида алоҳида тўхталди.

Биз жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган улуғ мутафаккир ва алломаларнинг авлодларимиз, бой маданиятга, эзгу қадриятларга эга халқимиз, деди давлатимиз раҳбари. Халқимизнинг ана шундай гўзал фазилатлари мана бундай стадионларда ўтказиладиган футбол учрашувлари, турли спорт мусобақаларида ҳам намоён бўлиши керак. Ким қайси жамоа ёки футбол клубига мухлислик қилишидан қатъи

назар, унда ўзаро ҳурмат, юксак маданият бўлиши даркор. Бу борада Ўзбекистон футбол федерацияси, футбол клубларимиз раҳбарлари, мутахассислар футбол мухлислари ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши лозим. Бир сўз билан айтганда, юртимизда мухлислик маданиятини ҳам энг юқори даражага кўтаришимиз даркор.

"Бунёдкор" стадионида спортчилар ва мухлислар учун яратилган шароит ва қулайликлар энг замонавий талабларга жавоб беради. Хусусан, биринчи қаватда спортчилар, ҳакамлар, мураббийлар, футбол маъмурулари учун мўлжалланган хоналар, ошхоналар, матбуот анжуманлари зали, футбол клуби музейи мавжуд. Стадионнинг иккинчи қаватида учта ресторан, фитнес маркази барпо этилган.

"Бунёдкор" стадионининг муҳандислик таъминотида алоҳида эътибор билан ёндашилган. 11x7,5 метр ўлчамдаги иккита видеотабло мухлисларга футбол учрашувини ҳар томонлама кўриш имкониятини беради. Ёритиш ускуналари ФИФА та-

лабларига тўла мос келади. Бу ерга ташриф буюрган мухлисларга маълумотларни тез ва сифатли етказиш имконини берадиган замонавий аудиосистема, рекламаларни намоиш қилиш учун футбол майдони четида видеоборт мосламалари ўрнатилган. Мусобақаларни тўғридан-тўғри эфирга узатувчи теле ва радиотрансляция тизими, шарҳловчилар хонаси халқаро стандартлар даражасида.

Ислон Каримов стадионда бир гуруҳ ёш футболчилар билан суҳбатлашди. Уларнинг орзу-интилишлари билан кизикди, уларга ўз совғаларини тақдим этди.

Истиклолимиз шарофати билан бундай муҳташам иншоотларни бунёд этиш имкониятига эга бўлди. Бу барчамизни қувонтиради, деди давлатимиз раҳбари. Энг улуғ, энг азиз айёмимиз – Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилган, илгари тасаввур қилишимиз ҳам қийин бўлган ушбу янги замонавий футбол мажмуи барчамиз учун, бутун халқимиз учун ажойиб байрам совғаси бўлди.

Мустақиллигимиз берган имкониятларнинг ҳаётимиздаги ифодаси бўлган бундай кенг миқёсдаги қурилиш ишлари, спортни ривожлантириш ва аҳоли саломатлигини муҳофизат қилишга қаратилган бу каби иншоотлар баркамол авлодни тарбиялаш, эл-юртимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилиши баробарида, халқимиз буюк бунёдкорлик салоҳиятининг ҳам яққол намоишидир.

Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА, Олим ТЎРАҚУЛОВ, Ўза мухбирлари. Фарход ҚУРБОНБОЕВ, Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

МЕҲНАТЛАРГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Этироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 ва 27 августдаги Фармонида мувофиқ, Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимлари, шунингдек, самарали меҳнати ва эришган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимиз, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматида сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимизнинг давлатимиз юксак мукофотлари билан тақдирланганлиги ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотди.

Албатта, ана шундай мукофотланганлар орасида тиббиёт ходимларининг борлиги ҳам қувонарли ҳолдир. Жумладан:

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Усманова Гульнор Маллабаевна – Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси бош шифокори, Тошкент шаҳри

Ўрақов Муқом – Қамаш тумани тиббиёт бирлашмаси жарроҳлик бўлими мудири, Қашқадарё вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Собиоров Маткарим Бекчанович – Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм филиали кардиохирургия бўлими мудири

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Азизов Собит Курбонovich – Тошкент шаҳар нефрология шифохонасининг бўлим мудири

Маҳкамов Козим Эргашевич – Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг нейрохирургия бўлими раҳбари

Синдоров Қуроқбой Бурҳонович – Самарқанд вилояти Кўшработ туманидаги «Тегирмоновул» қишлоқ врачлик пункти мудири

Худойбердиев Ахрор Носирович – Республика Онкология илмий маркази анестезиология ва реанимация бўлими мудири

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Абдуллаев Нурмаҳамат Усмонович – Фарғона вилояти Учқўприк тумани тиббиёт бирлашмаси чақалоқлар бўлими мудири

Мадрахимова Зулфия Султонмаҳмудовна – Наманган вилоят юқумли касалликлар шифохонаси ре-

анимация бўлими ҳамшираси

Наврўзов Маҳмадали – Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадарё филиали болалар хирургияси бўлими мудири

Турманова Лена Абдикаировна – Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туманидаги «Дауқара» қишлоқ врачлик пункти мудири

«Дўстлик» ордени билан

Абдуллаев Қобилжон Фозилович – Андижон вилояти Қорасув шаҳар тиббиёт бирлашмасининг шошилич тиббий ёрдам бўлими врач-терапевти

Сайдумаров Саидакром Эргашевич – Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси

«Шухрат медали» билан
Бегмуродов Қодир – Навоий вилояти Хатирчи туманидаги Амир Темир қишлоқ врачлик пункти мудири

Маматқулова Машкура Қудратовна – Тошкент вилояти Пискент тумани марказий шифохонаси шошилич тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси

Мирзаева Гулбахор Қодировна – Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлими ҳамшираси

Ражабова Манзура Халиловна – Бухоро вилоятлараро ихтисослаштирилган болалар уйи ҳамшираси

Худойназаров Нарзиқул Хўжназарович – Сирдарё вилояти Боёвут тумани марказий шифохонаси реанимация бўлими мудири

Ташаккурнома

БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ

Ўғлим Сардорбек мактабда жисмоний тарбия фанидан дарс беради. Тасодиф туфайли оёғи қаттиқ лат еб, вилоятимиз тиббиёт ходимларига мурожаат қилдик. Шифокорлар маслаҳати билан бир ой давомида даво муолажаларини олди. Шундан сўнг мутахассисларнинг тавсияси билан Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтига мурожаат этдик. Бизни ўз касбининг моҳир устаси, тажрибали мутахассис, професор, институт директори Мирҳаким Азизов қабул қилиб, Сардорбекни текширгач, оёғининг тизза қисмини тезлик билан операция қилиш муҳимлигини айтди. Ўғлимга "Чап тизза бўғимини жароҳатдан кейинги олдинги бутсимон боғламанинг узилиши ва медиал мениск жароҳати" ташҳиси қўйилиб, мураккаб операция муваффақиятли чиқишида институтнинг спорт жароҳатлари бўлими бошлиғи М. Ирисметов, даволовчи-шифокор А. Холиқов, бош шифокор М. Асомовларнинг хизматлари катта бўлди. Ҳозирда ўғлим туманимиздаги врач-травматологлар назоратида даволанишни давом эттирмоқда. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтига келиб Сардорбекнинг оёғини кўрсатганимизда операциядан кейинги ҳолат яхши томонга ўзгарганлигини айтишди. Фарзандим оёққа туриб, оилам бағрига қайтишида билим ва меҳнатларини аямаган институт директори М. Азизов ҳамда жамоа ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдириб қолам.

Мастура ПЎЛАТОВА,
Навоий вилояти, Кармана тумани,
Ҳазора ҚФЙ, "Дегарон" маҳалласи.

Тиббиётимиз фидойилари

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ МАҲСУЛИ

Барча соҳалар қатори Юртбошимизнинг республика тиббиёт тизимига бўлган эътибор ва ғамхўрликлари боис, мазкур йўналишда самарали ишлар олиб борилиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб, халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончи янада ортди. Бунинг баробарида давлатимиз томонидан тиббиёт ходимларининг меҳнатларига қаратилаётган муносиб рағбатлар ҳар бир соҳа мутахассисини ўз касбига меҳр ҳамда фидойилик билан ишлашга ундаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.



Айниқса, ҳар йили мустақиллик байрами олди тиббиёт ходимларимизнинг фидойи меҳнатлари Юртбошимиз томонидан давлат мукофотлари билан тақдирланиб келинаётганлиги, бу албатта, соғлиқни сақлаш тизимига берилаётган юксак баҳодир. Шундай экан, юртимизнинг барча жабҳаларида кенг қамровли ислоҳот жараёнлари давом этаётган бир пайтда, Ўзбекистон Республикасининг 21 йиллик Мустақиллик байрами арафасида мамлакатимиз раҳбари томонидан соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ижобий ўзгаришлар яна бир бор эътироф этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил 23 августдаги Фармони билан тиббиёт фанининг жонқуяр фидойиларидан бири, самимий ва камтарин инсон ҳамда бутун умрини тиббиётга бахшида этиб келаётган тиббиёт фанлари доктори, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти офтальмология кафедраси профессори Халиджан Мамаджанович Камиллов “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ҳамда олий нишон “Олтин юлдуз” медали билан тақдирланганлиги қарийб ярим миллионлик тиббиёт ходимлари томонидан мамнуният, гурур ва ифтихор билан кутиб олинди.

Ўз касбининг моҳир устаси, эл-юрт хурматида сазовор бўлган Х. Камиллов 44 йилдирки, халқимиз саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилиб, қанчадан-қанча бемор қалбларга қувонч улашиб, уларнинг кўзларига нур бахш этди. Тажрибали мутахассиснинг меҳнатлари 2006 йилда давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, у “Меҳнат шўхрати” ордени билан тақдирланди. Албатта, бундай юксак мукофотлар ўз-ўзидан берилгани йўқ. Бу натижалар замирида машаққатли меҳнат ва тинимсиз изланишлар ётади.

Қаҳрамонимизнинг ўтган даврдаги фаолиятларига назар ташлайдиган бўлсак, Х. Камиллов илк фаолиятини 1968 йилда Республика клиник офтальмология касалхонаси врач-ординатори лавозимидан бош-

лаб, сўнгра Тошкент врачлар малакасини ошириш институти илмий изланувчиси, Кибернетика институти кичик, катта ва бош илмий ходими вазифаларида астойдил меҳнат қилиб келди. Фидойи меҳнатларини инобатга олган раҳбарият 1988 йилдан Х. Камилловни Тошкент врачлар малакасини ошириш институти офтальмология кафедраси мудири этиб тайинлади.

Барчамизга маълумки, Х. Камиллов раҳбарлигидаги кафедра республиканинг барча ихтисослашган кўз касалликлари шифоналари, бўлимлари ва поликлиникаларида ишловчи офтальмологларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини оширувчи етакчи марказ ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, тажрибали олим ўзининг кўп йил-



лик меҳнат ва изланишлари билан клиник офтальмология, кўз микрохирургияси, нейроофтальмология, офтальмокибернетика каби долзарб соҳаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Шунингдек, профессор Х. Камилловнинг саъй-ҳаракатлари билан соғлиқни сақлаш амалиётида янги диагностика усулларида бўлган – компьютер периметрия, компрессиясиз тонография, кўзнинг компьютер таҳлили ва даволаш учун – кукумазим, фраксипарин, тиклид, иммуномодулин, лагоден, аллоплант ва ксенотрансплантатлар қўлланилаётган бўлса, бевосита унинг иштироки ва раҳбарлиги остида кўрув аъзоларини текшириш учун янги тиббий-техник комплекс, доридармонлар ва микрохирургия услубини қўллаган ҳолда глаукома, кўз қон-томир касаллик-

лари ҳамда катаракта хасталигини даволаш йўналишлари бўйича илмий-амалий изланишлар олиб борилмоқда. Шунинг билан бир қаторда Республика офтальмология касалхонасида кўз касалликларини аниқлаш, даволаш ва тиббий реабилитация ишларини ташкил этишда ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Х. Камиллов сўнги 3 йил давомида амбулатория ва стационар шариоитида 10000 дан ортиқ кўзи хаста беморларни текшириб, шундан 1224 нафар беморни янги замонавий жарроҳлик усуллари билан даволади.

Профессор Х. Камиллов ўзининг кўп йиллик меҳнатлари билан қанчадан-қанча шогирдлар тайёрлади. Бугунги кунда улар

нафақат юртимиз, балки хорижий давлатларнинг етакчи клиник шифоналарида фаолият юритиб келмоқдалар. Устоз ўз шогирдлари билан доим фахрланади. Уларнинг камоли ва ютуқларини кўрганда, меҳнатлари зое кетмаганлигига ишонч ҳосил қилади. Шу ўринда айтишимиз жоизки, изланувчан ва моҳир педагог республикамиз ҳамда чет элларда бўлиб, нуфузли анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этиб келмоқда.

– Халқимизнинг «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўғалар» деган доно ҳикмати бор. Албатта, тиббиёт илми шундай мураккаб ва серқирраки, уни мукамал ўрганиш ва чуқур эгаллашнинг ўзи бўлмайди. Доим шогирдларим билан суҳбатлашганда, тиббиётнинг ушбу қирраларига аҳамият беришларини, ўз устилари-

Эътироф: замондошлар устоз ҳақида

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори Ж. Собиров қаҳрамонимиз тўғрисида шундай дейди:

– Профессоримиз Х. Камиллов республикада илк бор офтальмологиянинг долзарб йўналишлари бўйича 60 дан ортиқ мавзуй малака ошириш йўналишларини ташкил этиб, биринчилардан бўлиб ўқитишнинг интерактив усулини қўллаб, масофадан туриб ўқитиш учун ўқув материаллари ҳамда жарроҳлик тажрибаларини 1079 та амалиётда хизмат қилаётган республика офтальмологларига етказиб келмоқда. Унинг педагогик фаолияти ниҳоятда самарали бўлиб, ўқитишнинг интерфаол услубларидан фойдаланган ҳолда 10 та услубий қўлланма, ахборот-тавсияларидан бири чиқарилган ва улар амалиёт шифокорларининг мустақил тайёргарлик тизимига киритилган. Бундан ташқари, тажрибали педагогнинг ташаббуси билан яратилган ўқитиш услублари амалиётда кўз касалликлари билан хасталаниш ва ногиронлик кўрсаткичларини 20 фоиздан ортиқ камайишига олиб келди.

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий маркази директори З. Сиддиқов устози Х. Камиллов ҳақида қуйидаги эътирофли фикрларни билдириб ўтди:

– Устозимиз Х. Камилловнинг тиббиётимиз фанига қўшган илмий фаолиятлари тўғрисида тўхталадиган бўлсам, уларнинг олиб борган кўп йиллик изланишлари бугунги кунда ўз самарасини бериб, юртимизда офтальмологларнинг мактаби яратилди, десам янглишмаган бўламан. Устоз кўзнинг “шоҳлардаси яраси, тўр парда кўчиши”, глаукома, миопия касалликларини даволашда энг замонавий лазер технологиясига асосланган микрохирургик-кичик кесимли мурракаб жарроҳлик операцияларини амалиётга жорий этди. Х. Камилловнинг яна бир муҳим муваффақиятларидан бири республикада биринчилардан бўлиб жароҳатланган кўз олмасига маҳаллий шароитда тайёрланган кўзичоқлар юрагининг устки пардасидан тайёрланган “ксенотрансплонтант” ўрнатиш операциясини амалга оширди. Бунинг натижасида чет элларда бажарилган мураккаб операцияларни эндиликда республика ҳудудида маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда амалга оширишга имконият яратилди. Х. Камиллов 337 та илмий иш, шу жумладан, 2 та монография, 5 та патент, 8 та муаллифлик гувоҳномаси ва 10 та услубий қўлланмаларнинг муаллифидир. Шунингдек, устозимизнинг илмий раҳбарлиги остида 3 нафар фан доктори ва 30 нафардан ортиқ фан номзодлари тайёрланди.



да тинмай меҳнат қилишларини уқтираман. Чунки, улар инсон саломатлиги учун масъулиятли касб эгалари ҳисобланишади, – дейди биз билан суҳбатда Х. Камиллов. – Хизмат юзасидан кўплаб мамлакатларда бўлганимда, тиббиётимиз бошқа давлатлардан асло қилишмаслигини юракдан ҳис этаман. Бугунги кунда инсон омилига, айниқса, муҳтарам Юртбошимизнинг фуқаролар соғлигига қаратаётган эътиборлари туфайли тиббиёт тизими тубдан ўзгарди. Ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши офтальмология соҳасида ҳам кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Соҳада янги технологиялар жорий этилди. Энг муҳими, ёш кадрлар самарали меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Устоз сифатида шогирдларим амалга ошираётган фаолиятларни кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Аввало, бу юксак мукофот нафақат менга, балки республикамиздаги тиббиёт ходимлари меҳнатига берилган олий

баҳо деб биламан ва Юртбошимизга ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдираман.

Албатта, Х. Камиллов камтарин инсон, шогирдларига эса талабчан, меҳрибон устоз. У ҳаётини тиббиётсиз тасаввур қила олмайди. Устознинг республикамиз бўйлаб ҳар йили ташкил этилаётган «Саломатлик ҳафталиги»да доимий иштирок этишлари ҳам халқимиз саломатлиги учун куйиниб ишлаётганликларининг ёрқин ифодасидир.

Биз устознинг хонадонларида ташриф буюрар эканмиз, уларнинг волидаи муҳтарамалари, яъни 95 ёшни қарши олган нуруний онахонимизни кўриб, юртимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўқинлиги, оилаларимиз тинчлиги уларнинг дуоларида эканлигини юракдан ҳис этдик.

Фарзандининг ана шундай камолини кўрган онахон кўзларидеги севинч ёшлари билан Юртбошимизга ўз ташаккурларини изҳор этдилар.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, тинимсиз меҳнат, чуқур изланишлар самараси туфайли устозимиз, профессор Х. Камилловга берилган давлатимизнинг юксак мукофоти “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ҳамда “Олтин юлдуз” медали олим хизматининг муносиб эътирофи экан, қаҳрамонимизнинг бундан кейинги фаолиятларида улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Истиқлол ва истиқбол

ИНСОН СОҒЛИҒИ – УСТУВОР ВАЗИФА

Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ана шу эзгу мақсадга қаратилаётганлиги билан аҳамиятлидир

Табобат илмининг султони, буюк аждодимиз Ибн Сино агар чанг ва ғубор бўлмаса, инсон минг йил яшар эди, деган хулосага келган экан. Бобокалонимизнинг бу қаноатли ибораси атроф-муҳитни асраб-авайлаш, одамларни соғлом турмуш тарзига амал қилиш ва ҳаётдан завқланиб, роҳатланиб яшашга даъват этади.



Албатта, ҳар ким узоқ умр кўришни, бахтли ва саодатли ҳаёт кечиришни, орзу-ниятлари рўёбга чиқишини истайди. Аммо бу истаклар фақат кўнгил хоҳиши билангина амалга ошмайди. Қачонки, инсон кадр-қиммати улугланса, турмуш тарзимизда соғлом муҳит ҳукмрон бўлса, шундагина умрнинг мазасини тотиш, мазмуни ҳақида сўз юритиш мумкин. Бу ҳақиқатни биз истиқлол туфайли янада теранроқ англаб етдик. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, эл саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, бу борада ҳавас қилса арзиғулик натижаларга эришилмоқда. Президентимиз ушбу масала нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини юртимиз истиқлол арафасида турган мураккаб даврдаёқ алоҳида таъкидлаган эдилар. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” номли асарни мутолаа қилар эканмиз, Юртбошимизнинг халқимиз бахт-саодати, эртанги кунини ўйлаб бошлаган ана шу оқилона сиёсати мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаб етамиз.

Чиндан ҳам, бундан йигирма-йигирма бир йил аввалги ҳолатни бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а. Кўпчилик ёши катталар яхши эслайди, тиббиёт ходимлари оғир шароитларда ишлашар, имтиёз, эътибор ва рағбат деган тушунчалардан бебаҳра эди. Даволаш муассасаларини айтмайсизми?! Пана-пастқам биноларда жойлашган, улардаги имкониятлар ҳам ночор аҳволда эди. Қисқаси, тизим мутлақо талаб ва эҳтиёжга жавоб бермасди.

Хўш, бугун-чи? Бугун Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукамал тармоғи яратилди. Хар жиҳатдан баркамол

лаётган ислохотларда туб бурилиш ясади. Стратегик аҳамиятли бу ҳужжатда тиббий хизматнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантириб бориш вазифаси қўйилган ҳамда унинг устувор йўналишлари изчил ва аниқ баён этилган. Мазкур давлат дастури ижросини таъминлаш орқали соғлиқни сақлаш соҳасида илғор шакл ва услублар амалиётга жорий қилинди. Жойларда беш поғонадан иборат самарасиз, кўп харажат талаб қиладиган эски тизим ўрнига бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими – қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари вужудга келди.

Айни пайтда қишлоқ врачлик пунктлари базаси мустаҳкамланиб, уларнинг сони 3200 дан ошди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли йўналишларда фаолият кўрсатувчи ихтисослаштирилган тиббий марказлар, кадрлар тайёрлаш ҳамда

хар томонлама исботлаб беради”.

– Ана шундай эътибор натижасида тиббиётимиз қанчалар юксалганини янги тизим – Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг энг замонавий даволаш муассасаси сифатида шаклланаётганлиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин, – дейди мазкур марказ бош директори ўринбосари Камол Ризаев. – 13 та вилоят филиали ҳамда 171 туман бўлими, шунингдек, “103” хизматини ўз ичига олган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида бугунги кунда дунёдаги энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган ушбу тизим кафолатли, ишончли ва хизматнинг бепуллиги билан жаҳон тиббиёт оламида беқиёс тизим сифатида ажралиб туради.

Шуни таъкидлаш керакки, соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий базаси узлуксиз такомиллаштирилмоқда. Хусусан, “Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Давлат санитария назорати тўғрисида”, “ОИТС касаллигининг олдини олиш тўғрисида”, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”, “Алкоголизм, наркомания ёки таксикомания билан касалланган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

“Одам иммун танқислиги вируси чақирувчи касалликларнинг олдини олиш тўғрисида”, “Гиёҳванд ва психотроп моддалар тўғрисида”, “Фуқароларга психи-



янги авлодни вояга етказиш, халқ соғлигини мустаҳкамлаш бош мақсад қилиб белгиланди.

Истиқлолимизнинг илк даврларидаёқ бу борада дастлабки амалий қадамлар ташланди. Президентимизнинг 1993 йил 23 апрелдаги Фармони билан мамлакатимизда “Соғлом авлод учун” халқаро нодавлат хайрия жамғармаси вужудга келганлигини эслайлик. Мустақиллик йилларида кимёлаштириш сабабли заифлашган авлодларни ва янги туғилаётганларни соғломлаштириш, оналар ва болалар саломатлигини, фуқароларимиз тиббий маданиятини юксалтиришга қаратилган мазкур жамғарма томонидан ўтган йиллар ичида кўпгина хайрли, савобли ишлар амалга оширилди.

Шу ўринда диққатга сазовор бўлган яна бир воқеани айтишни жоиз деб билдик. 1993 йилда мустақил Ўзбекистоннинг дастлабки “Соғлом авлод учун” орденни таъсис этилди. Ушбу орден билан ҳар йили халқимизни соғломлаштириш йўлида жонбозлик кўрсатиб келаётган фидойи инсонлар муқофотландилар. Очиғи, соғлом авлод тарбияси, миллат саломатлиги йўлида ташланган бу каби қадамлар ўз вақтида нафақат она замани, суву ҳавоси, балки насли ҳам офатлар исканжасида қолган эл учун катта воқеа бўлди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 1998 йил ноябрь ойидаги Фармони асосида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг қабул қилиниши соҳада ўткази-



фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Шу тарихи мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзига хос миллий модели яратилди. Зеро, давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда алоҳида таъкидлаганларидек, “Истиқлол йилларида ижтимоий соҳа учун давлат харажатлари 5 баробардан зиёд кўпайгани, унинг 60 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларга йўналтирилгани ҳам дунё миқёсида камданкам учрайдиган кўрсаткич бўлиб, бизнинг бош мақсадимиз, авваламбор, инсон ҳаётини, унинг маънаватларини таъминлаш ва химоя қилишга қаратилганини

атрик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”, “Аҳолини сил касаллигидан химоя қилиш тўғрисида”, “Қон ва унинг компонентлари донорлиги тўғрисида”, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”, “Аҳолининг микронутриент етишмовчилигининг олдини олиш тўғрисида”, “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини ҳақлаш тўғрисида”ги қонунлар аҳоли саломатлигини сақлашда, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда салмоқли аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, бизнинг барча эзгу ниятларимиз, орзу-умидларимиз эртанги кун эгалари бўлмиш фарзандларимиз тақдирига дахлдор. Шу сабабли ҳам, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза этишга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар, Давлат дастурлари-

да соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирлар ижросини янада кучайтириш муҳим устувор вазибалардан бири сифатида белгиланган. Хусусан, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган “Соғлом она – соғлом бола” дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказлари ташкил этилди.

– Шуни чексиз фахр ва ифтихор билан айтиш мумкинки, илгари ҳатто тасаввуримизга ҳам сиғдиришимиз қийин бўлган скрининг ва перинатал каби янги тиббий марказларнинг кенг тизими жорий этилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош бошқарма бошлиғи Саидмурод Исмаилов. – Айни пайтда мамлакатимизнинг барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида ҳар икки мукамал тизим марказлари самарали фаолият юритмоқда. Мана шундай ислохотлар натижасида йигирма бир йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдақлар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайди, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайиб, эрақлар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етди.

Тўғри, биз қилинган ишлар хусусида гапирганда, кўпинча уларни рақамлар ва фоиз ҳисобидан ифодалашга одатланганмиз. Аммо эътибор беринг: агар оналар ўлими уч баробар камайган бўлса, биз юртимиз бўйича қанча она, қанча инсоннинг ҳаётини сақлаб қолган, қанча оилага бахт улашган бўлаемиз?! Бир қарашда оддий кўринган рақамлар негизда мана шундай ҳаётини масалалар ётибди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, баъзи мамлакатларда, ҳатто ривожланган давлатларда ҳам соғлиқни сақлаш муассасалари, асосан, шаҳарларда жойлашганлиги туфайли қишлоқ аҳолиси тиббий хизматлардан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келади. Мамлакатимизда яратилган миллий моделнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, бизда энг чекка аҳоли пунктларида яшовчи фуқароларга ҳам худди шаҳарлардаги каби бир хилда малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

– Юртимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳомиладор аёлларни таркибидан соғлиқ учун зарур микронутриентлар мавжуд бўлган махсус поливитаминов билан таъминлаш орқали соғлом ва баркамол фарзандларни дунёга келтириш бўйича амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирлари жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатидан учрамайди, – дейди республика Аҳоли репродуктив саломатлиги

(Давоми 5-бетда).

Истиқлол ва истиқбол

ИНСОН СОҒЛИҒИ – УСТУВОР ВАЗИФА

Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ана шу эзгу мақсадга қаратилаётганлиги билан аҳамиятлидир

(Давоми. Боши 4-бетда).

маркази директори Маҳмуда Каттахўжаева. – Шу маънода, давлатимиз томонидан поливитами́нларни харид қилиш учун керакли миқдорда маблағ ажратилиб, ҳар йили қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 400 минг нафар ҳомиладор аёлни соғломлаштириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш ва болаларнинг туғма нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконияти яратилаётгани эътиборга сазовордир. Бундан ташқари, унни зарур микроэлементлар билан бойитиш, тузни йодлаш дастурлари ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бундай хайрли ишлар самараси ҳамда даволаш ва профилактика хизматларининг ўз вақтида кўрсатилаётгани сабабли, аҳоли ўртасида йод танқислиги ҳамда туғиш ёшидаги аёллар орасида камқонлик касаллиги сезиларли даражада камайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, оналар ва болаларга зарур даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими тўғри келиши керак. Ўзбекистонда бу кўрсаткич нафақат шаҳарлар, балки қишлоқларда ҳам халқаро стандартларга тўла мос келади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг барча аҳолисига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда.

Сир эмас, бугун дунёнинг кўпгина давлатларида иқтисодийнинг пасайиши, бюджет тақчиллиги каби салбий омиллар туфайли ижтимоий мақсадлар учун ажратилаётган маблағлар қисқартирилмоқда. Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва “Ўзбек модели” деб ном олган миллий тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри экани мана шундай мураккаб шароитда яна ва яна ўз тасдиғини топмоқда. Чунки бизда халқ манфаати, юрт истиқболи йўлидаги ишлар бир зумга бўлса ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Буни соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида ажратилаётган бюджет маблағлари йилдан-йилга кўпайиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, 2010 йилда соҳа равнақи учун давлат бюджетидан 1 триллион 703 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 2,2 триллион сўмга етди. Жорий йилда эса тиббиёт соҳаси ривожини учун йўналтирилаётган давлат бюджети хатажатлари 2,8 триллион сўмни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Табиийки, бу маблағлар янги даволаш муассасаларини бунёд этиш, мавжудларини янада замонавийлаштириш, уларни энг сўнгги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашга хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда 2012 йилги Инвестиция дастури доирасида 150 дан зиёд худудий ва республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларида қурилиш ҳамда реконструкция ишлари

олиб борилмоқда. Ушбу мақсадларга давлат бюджети ҳисобидан қарийб 256 миллиард сўм сарфланиши режалаштирилган. Яна бир янгилик. Яқинда “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида туман тиббиёт бирлашмаларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари бошланади. Бунга 93,0 миллион АҚШ доллари сарфланиши мўлжалланган.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллик шодиёналари арафасида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимиздаги академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази қошида янги замонавий кардиохирургия бўлимининг очилишини ҳам ана шу эзгу мақсад йўлида қилинаётган ишларнинг мантиқий давом сифатида баҳолаш мумкин.

Бунда Президентимизнинг 2007 йил 2 октябрда “Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши айна мудида бўлди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ, Инвестиция дастурлари доирасида ушбу лойиҳани амалга ошириш учун давлатимиз томонидан жами 21,5 миллиард сўм миқдорда маблағ йўналтирилди.

Айна пайтда академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази қошида бунёд этилган мазкур замонавий даволаш муассасаси жаҳоннинг энг нуфузли ва етакчи хорижий компанияларнинг юқори технологик тиббиёт анжомлари билан жиҳозланди.

Қурилиш, қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари билан бир қаторда кардиохирурглар, анестезиологлар, реаниматологлар

тенсив терапия бўлимлари ҳамда юракни “очиқ”, яъни сунъий қон айланиш шароитида мураккаб жаррохлик амалиётларини амалга ошириш имкониятига эга тўртта дунё стандартларига тўлиқ жавоб берадиган операция залларини ўзида мужассам қилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Кардиохирургия марказининг очилиши юрак хирургияси соҳасида юқори технологияларни татбиқ қилишга, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини янада кенгайтиришга, ихтисослаштирилган кадрларни тайёрлаш учун қулай шароитларни яратишга ва худудий марказлар ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, мазкур Марказнинг очилиши мамлакатимиз шифокорлари томонидан дунёда камдан-кам ўтказиладиган энг мураккаб кардиохирургик амалиётларини муваффақиятли ўтказишга кенг имкониятлар яратиб, нафақат юрак нуқсонли мавжуд

сазovor яна бир далилни келтириш жоиз. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Европа минтақасидаги мавжуд 53 та мамлакат ичидан фақатгина 4 та давлат, жумладан, Ўзбекистон-

қичга кўтарилгани, хизматнинг замонавий ва ишончли эканлигига яққол далилдир. Давлатимизнинг бу борада эришаётган ютуқлари жаҳондаги мазкур соҳа вакилларининг ҳам қизиқишига



ва рентгенэндоваскуляр хирургия мутахассисларини ўқитиш ҳамда малакасини ошириш ишлари ҳам олиб борилди. Жумладан, 2008-2012 йилларда мазкур Марказнинг кўплаб ходимлари ривожланган мамлакатларда ўзаро тажриба алмашиб, ўз малакаларини янада оширишди.

Фойдаланишга топширилаётган кардиохирургия муассасаси ҳар куни 200 нафардан ортиқ беморларни қабул қилишга мўлжалланган консултатив поликлиника, юрак коронар томирлари хирургияси, трансплантация, интервенцион кардиология ва юрак ритмининг бузилиши, 3 ёшгача бўлган болаларда юракнинг туғма нуқсонларини аниқлаш, анестезиология, реанимация ва ин-

болалар, балки кўкрак ёшидаги болаларда ўта ноёб, шу жумладан, гибри́д операцияларни ҳам бажаришда бекиёс ўрин тутди.

Бизга алоҳида ифтихор бағишлайдиган жиҳати, мамлакатимизнинг тиббиёт соҳасида эришаётган ютуқлари жаҳоннинг энг нуфузли халқаро ташкилотлари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Хусусан, ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқ бўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларини жорий этишда Ўзбекистоннинг минтақадаги намунавий модель сифатида эътироф этилгани фикримиз тасдиғидир. Шу ўринда диққатга

нинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тиббий хизматининг миллий модели юқори баҳолашиб, ана шу мамлакатлар учун намунавий модель сифатида эътироф этилди.

Ўтган йилда эса Ўзбекистон дунёдаги энг нуфузли – “Save the children” (“Болаларни асрайлик”) халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингига болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилганлиги ҳаммамизга чексиз ғурур бағишлади. Ушбу халқаро ташкилотнинг минглаб тадқиқотчилари томонидан 161 мамлакатда ўтказилган ҳолис ўрганишлар шу давлатларнинг барча худудларида тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари, уларнинг самардорлик даражаси каби муҳим кўрсаткичларга асосланди. Шунингдек, болаларнинг мунтазам эмлашга қамраб олиниш даражаси, аёлларга туғиш пайтида сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари каби омиллар ҳам эътиборга олинди. Мамлакатимиз ушбу барча кўрсаткичлар бўйича рейтингда тўққизинчи ўринни эгаллади ва Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ сингари дунёнинг кўплаб энг ривожланган давлатларини ҳам ортда қолдирди.

Табиийки, бундай ҳолис эътирофлар мамлакатимизда тиббиёт, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими янги бос-

сабаб бўлмоқда. Шунинг учун бугун Ўзбекистон дунё тиббиёти марказларидан бирига айланмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқаро анжуманларнинг мамлакатимизда ўтказиладиганлигида ҳам чуқур маъно бор. Шу маънода, ўтган йил ноябрь ойида пойтахтимизда жаҳоннинг энг нуфузли халқаро ташкилотлари ва 50 га яқин ривожланган дунё мамлакатлари вакиллари иштирокида “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзусидаги халқаро симпозиумнинг юксак даражада ўтказилганлиги фикримиз далилидир. Унда БМТнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ каби дунёнинг энг нуфузли халқаро муассасалари Ўзбекистон тиббиёти ривожига яна бир бор юксак баҳо бердилар.

Кўриб турганингиздек, мустақиллик мамлакатимизда халқаро андозалардаги тиббий хизмат кўрсатиш асосларини яратиш имконини берди. Бундан кейинги тараққиётимиз, шакл-шубҳасиз, Ўзбекистон тиббиётининг янада барқ уриб ривожланиш даврини юзага келтиради. Қолаверса, яқиндагина мамлакатимиз Президенти томонидан белгилаб берилган Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини тизимли равишда яхшилашнинг асосий йўналишлари тиббиёт соҳасида ўтказиладиган ислохотлар йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Зотан, мамлакатимизда инсон саломатлигини асраш устувор вазифа сифатида ҳаётга татбиқ этилаётган экан, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳар биримизни янада фаолликка ундайверади. Президентимизнинг шифокорларга кўрсатаётган бекиёс гамхўрлиги ва эътиборидан қалбимиз ҳаммиша фахр-ифтихорга тўлиб, бу туйғулар астойдил ишлашга даъват этаверади.

Фурқат САНАЕВ,
Ўзбекистон
Республикаси соғлиқни
сақлаш вазирлиги
Ахборот
хизмати бошлиғи.

Сотрудничество

ВОЛШЕБСТВО, ДАРЯЩЕЕ ЖИЗНЬ

Мы способны испытывать счастье, радуясь каждый день лучам солнца, общаясь с близкими людьми, любить и быть любимыми пока в нашей груди бьется сердце. Хрупкий «инструмент» человеческого организма дает нам познать окружающий мир во всем богатстве красок. Но самые яркие цвета меркнут, когда «инструмент» дает «фальшивую ноту», превращая существование человека в борьбу за право жить на земле. Выиграть неравный «бой» со смертью помогают профессионалы своего дела, те, кто привык идти на риск ради спасения больного. «Если пересадка сердца может спасти от силы один процент всех больных, то моя операция может помочь остальным 99 процентам пациентов на земном шаре», – убежден один из известнейших кардиохирургов из Бразилии Рандос Жозе Вилела Батиста, специалист по врожденным порокам сердца, автор семи авторских революционных операций и основоположник крупной кардиохирургической школы. Когда-то его коллеги во всем мире называли операцию хирурга «Парадоксом Батисты», а в родной стране даже запретили ее практиковать. Сегодня Рандос Батиста спасает тех, кто раньше был обречен, а недавно провел две операции на безвозмездной основе в Республиканском научном центре экстренной медицинской помощи (РНЦЭМП) в Ташкенте. Уникальные операции впервые были проведены не только в Узбекистане, но Средней Азии.

Сложно поверить, но много лет назад на Рандоса Жозе Вилела Батиста на родине было заведено уголовное дело «за опыты над людьми». И это не смотря на то, что он в 1984 году прооперировал обреченную па-

циентку с тяжелой сердечной недостаточностью. А потом произошло чудо – хирургу удалось спасти умирающего 25-летнего шофера-дальнобойщика, заболевшего после укуса насекомого так называемым американским трапозосомозом, приводящим к развитию кардиомиопатии в течение нескольких недель. Тогда медицинский мир после долгого тщательного изучения результатов, которые получил Батиста, встал на защиту доктора и добился для него права оперировать.

Сегодня его метод лечения называется «операция Батисты» (научное название *ventricular volume reduction surgery* – ремо-

ней», позволяющим пациентам дожить до момента, когда появится подходящее донорское сердце. До операции больные почти не могли ходить и целый день проводили в кровати из-за сильной слабости. Теперь эти люди играют в футбол и вернулись к своей основной профессии.

Подобные операции Батиста обреченным небогатым пациентам начинал делать практически бесплатно. Список клиентов (как в Бразилии, так и других странах), ожидающих операцию, давно перевалил за несколько сотен.

